

«ҚИЁМАТ» РОМАНИДА МИКРООЛАМ ВА МАКРООЛАМ ХРОНОТОПИНИНГ ПАРАЛЛЕЛ ТАСВИРИ

Баҳор Баҳриддиновна ТЎРАЕВА

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ПАРАЛЛЕЛЬНОЕ ОПИСАНИЕ ХРОНОТОПА МИКРОМИРА И МАКРОМИРА В РОМАНЕ «ПЛАХА»

Баҳор Баҳриддиновна ТУРАЕВА

Доктор философии по филологическим наукам, доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

PARALLEL DESCRIPTION OF THE MICROWORLD AND MACROWORLD CHRONOTOPE IN THE NOVEL *DOOMSDAY*

Bahor Bahriddinovna TURAEVA

Doctor of Philosophy (PhD) on Philological Sciences, Associate Professor

Uzbekistan State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan bahorturaeva@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 82.09

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Тураева Б.Б. «Қиёмат» романида
микроолам ва макроолам хронотипининг
параллел тасвири//Ўзбекистонда
хорижий тиллар. — 2020. — № 4 (33).
— Б. 245-265.

<https://doi.org/10.36078/1605719362>

Received: August 29, 2020

Accepted: October 27, 2020

Published: November 10, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада микроолам ва макрооламнинг хусусиятлари «Қиёмат» романи мисолида илмий-назарий таҳлил қилинган. Жаҳон илмий-назарий тафаккурининг кейинги юз йиллик тараққиётида хронотоп борлиқни акс эттиришнинг поэтик воситаларидан бири ҳамда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг ғоявий концепциясидан келиб чиқиб, сюжетни юзага чиқаришда, композицион қурилишида, реал ҳаётнинг воқелик манзарасини инъикос этишда асос бўлган адабий ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Микрооламда қаҳрамон руҳий оламидаги эврилишлар, макрооламда эса инсон ва жамият муносабатлари асосида юзага келган конфликт акс этади. Романда бадиий замон ва маконда турфа бўлган олти ёндош хронотоп шакллари илмий-назарий тадқиқ этиш мақолаининг мақсади ҳисобланади. Тадқиқот объекти сифатида атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи таҳлилга тортилди. Исо Масих, Авдий Каллистратов, Гурам Жўҳадзе ва Бўстон образларининг ўзаро ёндошлиги ҳамда Понтий Пилат, Сандро, Гришан, Обер Кандалов ва Бозорбой образларига контраст ҳолати, замонлар инверсияси каби адабий-эстетик муаммолар муаллифнинг услубий маҳорати индивидуаллигида ўрганилди ва илмий-таҳлилий умумлаштирилди. Хулосада жамият ва инсон қалбида қиёматнинг қойим бўлиши адибнинг фалсафий башорати сифатида асарнинг мазмун-моҳиятини ташкил этиши қайд этилган.

Калит сўзлари: хронотоп; микроолам хронотопи; макроолам хронотопи; параллел замон; амебей композиция; мотив; сюжет чизиги; композицион қурилиш; Чингиз Айтматов; роман.

Аннотация. Аннотация. В статье приведен анализ свойств микромира и макромира на примере романа «Плаха». В последующем развитии научно-теоретического мышления в мире хронотоп считается одним из поэтических средств демонстрации реальности, а также литературным процессом, который является основным для выражения реальности в композиционном построении и иллюстрации сюжета при опоре на замысел писателя и идеологическую концепцию литературного произведения. Микромир отражает изменения в ментальном мире главного героя, в то время как макромир отражает конфликт, возникающий на основе отношений между человеком и обществом. Целью статьи является изучение шести смежных хронотопных форм в романе, которые уникальны в литературном времени и пространстве. Объект исследования – роман «Плаха» известного киргизского писателя Чингиза Айтматова. Литературные и эстетические проблемы, такие как взаимосвязь образов Иисуса Христа, Авдия Каллистратова, Гурама Джохадзе и Бостона, а также контраст с образами Понтия Пилата, Сандро, Гришана, Обера Кандалова и Базарбая, инверсия времени изучались в индивидуальности методологических навыков автора. В заключении утверждается, что конец света в сердцах общества и человека составляет суть работы как философского предсказания автора.

Ключевые слова: хронотоп; микромир; параллельное время; композиция; мотив; сюжетная линия; Чингиз Айтматов; роман.

Abstract. Abstract. The article provides a scientific and theoretical analysis of the properties of the microworld and macroworld on the example of the novel «Doomsday». In the following development of the scientific-theoretical thinking in the world, the chronotop is accepted to be one of the poetic means to demonstrate the reality as well as to be a literary process that is basic for the expression of the reality in the compositional construction and illustrate the plot relying on the writer's intention and the ideological conception of the literary work. The microworld reflects the changes in the mental world of the protagonist, while the macroworld reflects the conflict that arises on the basis of the relationship between human being and society. The aim of the article is to study the six adjacent chronotope forms in the novel, which are unique in literary time and space. The object of the research is the novel «Doomsday» written by the famous Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov. Literary and aesthetic problems as the interrelation of the images of Jesus Christ, Avdi Kallistratov, Guram Juhadze, Boston, as well as the contrast to the images of Pontius Pilate, Sandro, Grishan, Ober Kandalov and Bazarboy, the inversion of the time were studied in the individuality of the author's methodological skills. The conclusion states that the doomsday as the essence of the work is a philosophical prediction of the author.

Keywords: chronotope; microworld; macroworld; parallel time; amebey composition; motif; plot line; compositional construction; Chingiz Aitmatov; novel.

Кириш. Бадиий асарда хронотоп инсон руҳий олами билан бевосита муштаракликда тасвирланади. Мегаолам, макроолам ҳамда микроолам хронотоплари олам ва одам муносабатларини руҳият, жамият ва коинот кенглигида ифодалайди. Биринчиси, макон ва

замонда кечаётган ўзгаришларни коинот ва олам; иккинчиси, инсонлар ўртасида кечадиган реал воқеа-ҳодисалар; учинчиси, инсон руҳияти билан онг ва тафаккури орсидagi зиддиятларни ифодалайди (2; 8). Бадиий хронотоп назариясига оид замон ва макон ҳақидаги тасаввурларнинг объектив ва субъективлиги юқоридаги уч жиҳатга асосланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, булар оламни ўрганиш ва англашнинг муҳим категорияси сифатида эътироф этилиб, реал, концептуал ва перцептуал замон-макон тушунчаларининг яхлитлигини таъминлайди. Хронотоп назариясида уни *объектив идрок қилиш* қатори, одатда, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг бир маромдалигига ва ҳаяжонли жунбуш ҳолатнинг ўзига хослигига боғлиқ *субъектив идрок қилиш* ҳам мавжуд бўлиб, ташқи олам — материянинг объектив мавжудлигига дахлдор **объектив замон** ҳамда инсоннинг реал воқеликни идрок этиш соҳасига тааллуқли **перцептуал замон**¹ ажратиб кўрсатилади. «Бадиий замоннинг шиддати унда содир бўлаётган ҳодисаларнинг тигизлигида намоён бўлади» (6, 207). Ана шу тариқа хронотоп инсон руҳиятига таъсир қилганича, унинг ҳаётий маромини белгилайди.

Хронотоп ҳақидаги А.А.Ухтомоский таълимотидаги дуал элементлар, яъни макроолам ва микроолам ўзининг илмий-назарий исботини топди. Тарихий-фалсафий аънаналарда мавжуд ақидалар асосида содир бўлган ва рўй беражак хронотоп ҳаёт йўли ва инсон руҳий оламини кенгрок интерпретация қилиш имконини беради (9, 5).

Зеро, хроникали сюжетда асосий сюжет билан ёндош ҳолда ёрдамчи сюжет чизиқларини ҳам юргизиш, жуда катта ҳаёт материални қамраб олиш имкониятини беради. Хроникали сюжетда асарнинг «бадиий вақт»и исталганча кенгайтирилиши мумкин: унда «параллел вақт»да кечаётган воқеаларни тасвирлаш, ретроспекция — замонда ортга қайтиш усулидан фойдаланиш имкониятлари анча кенг. Шуниндек, хроникали сюжетга қурилган асарга сюжетдан ташқари унсурлар, муаллиф мушоҳадалари, тафсилотларни табиий равишда киритиш, бадиий матнга сингдириб юбориш мумкин» (13, 81). Чингиз Айтматовнинг ўзига хос бадиий маҳорати шундаки, унинг романлари амебей композиция²(12, 10) ва хроникали сюжет асосида яратилган.

«Асрга татигулик кун», «Қиёмат» асарларида ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш ва инсон дунёсини гавдалантиришда замонавий жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалар мужассамлаштирилган. Бу мазкур асарларнинг композиция ва сюжети қурилиши, унда афсона ва ривоятларнинг жойлаштирилиши, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, кечинмаларининг улар хотиралари билан боғланиши ва энг асосийси, турли характердаги персонажларнинг ички оламидаги зиддиятларга эътибор қаратилишида кўринади (11). Зеро, ҳар бир одам, М.Бахтингга кўра, ўз овози, дунёқараши ва тасаввурларига эга бўлган мустақил субъект. Шунинг билан бирга инсон фақат одамлар билан, ўзи билан, дунё билан мулоқотдагина мавжуд (3, 10).

Асосий қисм. «Қиёмат» романида олти ёндош хронотоп — кўкёл бўрилар — Акбара ва Тошчайнар микроолами; гиёҳванд чопарлар, сайғоқ овловчилар ва Авдий Каллистратов макроолами; грузин халқининг жўмард йигити Гурам Жўҳадзе бошлиқ йигитлар ва уларни

1 Перцептуал замонда мавжуд реал объектлар бўлакча муносабатлар тизимига қўйилади, унсурлар ўзига хос хусусият касб этади. Жумладан, пейзаж қаҳрамонлар кайфияти товланишларини ифодалайди (психологик параллелизм ёки психологик контраст).

2 Амебей композиция – (*gr. amidaioi* – ўзаро сўзидан). Бадиий асарнинг параллелизмга, асосий қисмлари ёки образларининг такрорланишига асосланган қурилиши. Амебей композиция дастлаб қадимги грек адабиётида юзага келган.

йўқотиш ҳақида топширик олган чекист Сандро макроолами; Исо Масих ва Понтий Пилат макроолами; Авдий ва Исо Масих микроолами; Бўстон ва Гулимхон микроолами асар воқеалари кўламини кенгайтириш, инсон ва табиат муносабатларини параллел йўсинда тасвирлаш, характерлар руҳиятидаги турфаликни таъминлаш, композицион яхлитликка эришиш каби бадиий-эстетик вазифаларни бажарган. Акбара ва Тошчайнар хронотопи роман сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадиий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи асосий сюжет чизиги ҳисобланади. «*Мустақил сюжет чизиқлари асарнинг мантиқий занжирини ташкил қилади: бўрилар, гиёҳвандлар, Авдий Каллистратов, Олтовлон ва еттинчи, Понтий Пилат ва Исо, Бўстон ва Бозорбой*» (5, 68).



1-расм: «Қиёмат» романида микроолам ва макроолам хронотопининг параллел ифодаси.

Олти ёндош хронотопнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, воқеликни параллел тасвирлаш имконини берган:

1. *Кўкёл бўрилар* — *Акбара ва Тошчайнар микроолами*. Гурам Жўҳадзе ва Сандро, Исо Масих ва Понтий Пилат макроолампдан ташқари барча хронотопларни туташтирган.

Туркий халқлар реалистик наспи, хусусан, Ч.Айтматов романларида ҳам бўри тимсоли яратилган. Айниқса, Акбара ва Тошчайнар образлари диққатни тортади. Адиб бу икки бўри тимсолида одамларга хос эзгулик, меҳр-муҳаббат, садоқат, олижаноблик, ор-номусилик каби энг гўзал фазилатлар, ҳаяжон, илинж, хижолат, уят, рашк, бирда қўрқув, бирда дадиллик каби вазият-ҳолатга мос ҳиссиётларни жамлайди. Адиб романида гарчи реалистик бўёқлар қуюқ бўлса-да, ёзувчининг айнан бўри тимсолини танлашига боис, бўри тотеми билан боғлиқ туркий халқлар мифологиясидир (4, 197).

Бу икки жондорнинг бошчиси, ақли-эси Акбара ва унинг қора қули — амру иродасини ғинг демай бажо келтирадиган арлони Тошчайнар Мўйинқум саҳроси, Алдаш қўли ва Иссиққўл тоғ тизмаларида ҳаёт кечирадилар. Уч марта болалаб, наслини асраб қолиш учун ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, инсонлар туфайли болаларидан айрилган Акбара ва Тошчайнарнинг азобу уқубатлари уч кичик хронотоп орқали ифодаланган:

А) Гўшт планини бажариш учун Мўйинқум саҳросида сайғоқларга қирғин уюштирилганда уч боласининг нобуд бўлиши;

Б) тоғда янги кон очилиб, унга Алдаш қўли яқинидаги қамишзордан йўл ўтганлиги боис, қамишзорга ўт қўйилиши натижасида беш боласидан айрилиши;

С) Булоқ дарасидан Бозорбой томонидан тўрт боласининг олиб кетилиши.

А) *Гўшт планини бажариш учун Мўйинқум саҳросида сайғоқларга қирғин уюштирилганда уч боласининг нобуд бўлиши. Мўйинқум саҳросида қишнинг илк кунларида тўнғич фарзандларини биринчи марта сайғоқ овига олиб чиққан Акбара ва Тошчайнар қутурган талотумда қоладилар. Сон-саноксиз сайғоқлар ақлдан оздирадиган тезлик билан бўрилар томонга бостириб келишар, бўрилар ов қилиш тугул, ўзларини ҳимоя қилолмай қолдилар. «Акбара уларни кўз қири билан кўриб турарди — ана, улар кийиклар орасида тобора илдамроқ югурмоқдалар, ана, кўзлари кўрқинчдан жайноқланган тўнғичлари — ҳов ана Хумкалла, ҳов ана Илдам, ана, ҳолдан тойиб, базўр етиб келаётган Суйгиной, ана, Мўйинқумнинг қаҳрли ботири — Тошчайнар, эвоҳ, у ҳам даҳшатли кўрқув ичида тирақайлаб қочиб келади» (1, 15).*

Болалари бирин-кетин кийикларнинг туёқлари тагида топталишлари, ваҳимали шовқин, ола-тасир ўқ овозлари, машиналарнинг гувиллашлари, одамларнинг бақирик-чақириклари, жон бераётган кийикларнинг ҳирқирашлари, бошдан-оёқ қонга ботган одамлар Акбара ва Тошчайнар учун биринчи фалокат эди.

Б) *Тоғда янги кон очилиб, унга Алдаш қўли яқинидаги қамишзордан йўл ўтганлиги боис, қамишзорга ўт қўйилиши натижасида беш боласидан айрилиши. Тоғдан топилган қимматбаҳо маъданга йўл очиш мақсадида кўлдаги қамишзорга ўт қўйилади. Болаларини олов ичидан олиб чиқиш учун ўзларини ўнгу сўлга уришади: «Бўрилар олов тафтини сезганлари ҳамон, қамиш ҳар томондан ёнаётганини кўриб, бўричаларни қутқариш учун ўзларини у ёқдан-бу ёққа ура бошладилар. Уларни тишларида дам у ерга, дам бу ерга кўтариб ўтишарди. Алдашбўйи қамишзорларида қиёмат кўпди» (1, 126). Акбара ва Тошчайнар уч боласини қолдириб, иккитасини тишларида кўтариб, кўлдан сузиб ўтганларида уларнинг ҳам бўкиб ўлиши иккинчи фалокат бўлди.*

С) *Булоқ дарасидан Бозорбой томонидан тўрт боласининг олиб кетилиши. Икки марта болаларидан ажраган бўрилар Оқ туз довонидан ошиб, Иссиққўл тоғ тизмаларини макон қилишди. Тоғдаги ҳаётларининг иккинчи йили тўрт бола кўришди. Геологларни Аччиқ Тош дарасига қолдириб, уйига қайтаётган Бозорбой иш ҳақиға берилган арокни ичиш учун сой бўйида тўхтаганда, ёлғиз қолган бўри болаларининг овози қулоғига чалинади: «Ҳали унига етмасдан, ҳали узоқдан Акбаранинг юраги бир кори ҳол бўлганини сезди. ... Юксак тоғ зирварларида аксланаётган қонли шафақ шуълалари борган сайин қорайиб, дилига ташиши ва кўрқинч соларди. Инига яқин қолганда, у янада қаттиқроқ югурди. Хувиллаб қолган бўм-бўш уясининг ҳамма*

бурчакларини овчи итдай искаб чиқди ва пишқирди, бир зум қотиб қолди, сўнг ўзини ташқарига отди, ин оғзида Тошчайнар билан тўқнашди, худди бариға у айбдордай, худди эри эмас, ганим-ёвдай уни алам устида тишлаб олди» (1, 133). Акбара ва Тошчайнар бу сафар қисматнинг аччиқ синовини тан олгилари келмасди, чунки олдинги йўқотишларда болалари сайғоқлар туёғи остида, олов ичида, сувга бўкиб, ҳалок бўлишганини кўришганди. Бу сафар болаларини тирик олиб қочган Бозорбой Бўстон Ўркунчиевнинг қўтонида жон сақлади. Наинки наслини сақлаб қолиш умидида жон-жаҳди билан уринаётган Тошчайнар ва Акбара учун, балки Бўстон учун ҳам азобли кунлар бошланади. Кечалари бўзлаб, ув тортган Тошчайнар ва Акбара болаларини топиш илинжида изғир, ув солган овоз кўкка ўрлар ва юракка оғир ваҳима соларди, аламига чидолмай қўйларни бўғизлаб кетишарди.

Болаларини излаб, Бошат дарасидаги инига қайта-қайта бормасин, бўш инни кўриб, Акбаранинг фиғони фалакка ўрларди. Ёзувчи она бўри қалбидаги изтиробларни Бўстон ва Гулимхон микрооламига параллел тасвирлайди. Ҳар бирларининг изтироблари ўзларига аён, бу синовлар уларга азалнинг қисмати эканлигига ҳеч бирлари кўнгилари келмасди. Акбара қалбидаги айрилиқ руҳияти туш эпизодик тасвири орқали берилади. Бунда хронотоп ўзгаради. Тушда содир бўлаётган воқелик Мўйинқумга кўчирилади: *«Акбаранинг тушига болалари кирди, улар инда Акбаранинг биқинига ўраниб ётишарди. Қачондан бери эмизсам, дейди, сутға тўлиб, тирсиллаб кетди эмчаклари, оғрийди, сирқирайди... Лекин ҳар қалай, тўртала боласи ҳам ёнида-ку, ана улар — мановиниси думи оқ, у ҳаммасидан ишхороқ, ановиниси эмгани эмган, эмчакни оғзидан қўймайди ва шу қўйи ухлаб қолади, учинчиси эса уришқоқ ва йиғлоқи, тўртинчиси — қиз, у жуда ҳам ширин, кўзлари кўк. ...Кейин Акбара тушида ўзини улуг чўл Мўйинқумда учиб кетаётганлигини кўрди, унинг оёқлари ерга тегмайди, ёнида тўртала боласи, улар ҳам учиб боришяпти, шундоқ ёнларида эса Тошчайнар катта-катта ҳатлаб сакраётибди»* (1, 160). Она бўри тушида болаларини ҳар қанча эмизмасин, негадир сути камаймайди, сийнасидаги чидаб бўлмас азобни тушида ҳам ҳис қилади.

Боласидан уч марта мосуво бўлган она бўрининг қайғу-изтироблари, ҳатто Бўстоннинг боласи Кенжашни ўз инида яшашини, уни эмизиб катта қилишини ўйлаб, орзикиб кетиши асарга ишонарлилик бахш этган. Мўйинқум чўлларида, Алдаш дала-тузларида, Иссиққўл бўйларида Тошчайнар билан кечирган қувонч ва қайғуларга тўлган кунларини бир-бир хотирлаб, Акбара ҳасратини аламли жонига сиғдиrolмай юрган кезларида Кенжаш унга сўнгги илинж бўлди, юрагида йиғилиб қолган барча меҳрини унга тўкиб солди, бола ҳидларини кўксини тўлдириб-тўлдириб искади.

2. *Сайғоқ овловчи ароқхўрлар, нашаванд чопарлар ва Авдий Каллистратов макролами.*

Гўшт планини тўлдириш ва мўмай даромад учун Обер Кандалов бошлиқ *«на бировни ёлчитган, на ўзлари ёлчиган, шунинг учун ҳам дунёдан тўйган, ҳамма нарсадан норози»* кимсалар: Мишаш, Кепа, Гамлет-Галкин ва Абorigен-Узуқбой Мўйинқумга сайғоқ овлашга келадилар. Инга Фёдоровнанинг хати бўйича Жалпоқ-Созга келиб, унинг эри билан орани очик қилиш мақсадида Жамбулга кетгани маълум бўлгач, даромадининг тайини йўқ Авдий Обернинг таклифига кўра, Мўйинқумга келган эди. Асарнинг шу ўрнида муаллиф бош қаҳрамон Авдийни китобхонга таништиради: *«Улар ўртасида ёшгина бир йигит ажралиброқ турарди. Унинг исми ҳам галати – Авдий эди.*

Бу ном қадим китобатда бор: Инжилнинг учинчи Мулк битигида айтилган. Ўзи асли дьяконнинг ўғли бўлиб, Псков томонлардан эди. Отасининг вафотидан сўнг, черков ходимининг куртаги деб, таҳсил учун диний семинарияга қабул қилинган, аммо икки йилдан сўнг қуфронага йўл қўйиб у ердан ҳайдалган эди» (1, 18). У семинариядан Худосизлиги учун эмас, ҳозирги давр талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган янги илоҳий ғояларни кўтариб чиқадиган, динларнинг умумжаҳон уфқига янги бир бош сиймо — Худо-Замондош ғоясини илгари сургани учун ҳайдалади.

Мўйинқумдаги қирғиндан талваса тушган Авдий бу хунрезликни тўхтатишни талаб қилади ва ваҳшийлашиб кетган овчиларни Худога тавба қилишга чақиради: «ҳар биримиз Худони, Оллоҳ Каримни ўйлайлик, Унинг беҳудуд раҳм-шафқатидан умидвор бўлайлик, тирик табиатга етказган зиён-заҳматимиз учун, қилган гуноҳларимиз учун Ундан мағфират тилайлик, инчунун, чин дилдан тавба-тазарру қилибгина марҳаматига етишмоқ мумкин. Авдий қичқирар, қўлларини осмонга кўтарар, менга қўшилинглар, ёмонликдан покланайлик, истигфор айтайлик, деб ёлворарди» (1, 120).

Қўллари боғлиқ ҳолда машина устида ётаркан, ҳар турли аччиқ, аламли ўйлар сурган, ёлғизлик алами кўнглини ўртаб юборган Авдий ўзи учун кадрли хилқат — Ингани, семинариядан ҳайдалганини, гиёҳвандликни қоралаб, очерк ёзмоқ ниятида нашаванд чопарлар сафида Мўйинқум ва Чу чўлларида ўлим билан юзма-юз бўлганини бирма-бир эслайди: «Қийналса ҳам, қувонса ҳам, унга мурожаат қилади. Оғир ҳолатга тушганда бир-бирларига жуда яқин кишиларнинг телепатия йўли билан фавқулодда мулоқотга киришишлари рост бўлса, унда ўша мунис-меҳрибон хилқат ўша кеча нимадандир қаттиқ ўртаниб, ниманидир қаттиқ соғиниб, нимадандир юраги бир нотинчликни сезган бўлиши керак...» (1, 21).

Авдий нашаванд чопарларни ёмон йўлдан қайтариш, ҳаётларини заҳарлаб турган кўркинч таъкибидан халос этиш ҳамда бошқаларни ҳам огоҳликка чақириш учун бу муҳим мавзуда бир туркум очерклар ёзишни ният қилади. «Шундай бир нарса ёзсангки, унга ҳамма ўз жонажон ишидай муносабат билдирса, унга ўз уйида бўлаётган ёнгиндай, фарзандларининг бошига тушган офатдай қараса, ана ўшанда айтилган сўз барча холис ниятли кишиларнинг қўллаб-қувватлаши билан пулдан устун чиқиши ва ёмонликни енгиши» (1, 50)ни мақсад қилган қаҳрамон мурмансклик икки нашаванд чопар билан Мўйинқум чўлларида йўл олади. Унинг энг олий мақсади Петруха ва Лёнькага ўхшаган катта-катта пул ўмаришнинг тайғоқ ва жиноий йўлига кирган болаларга ўз таъсирини ўтказиб, уларни бундай номуносиб ҳаётдан батамом воз кечишга ундаш эди. Авдийнинг Петр, Махач, Лёня ва Коляни Гришандан халос этиш, уларни Худога тавба-тазарру қилишга, нопок йўлдан қайтариш учун қилган ҳаракатлари Исо Масиҳнинг бундан икки аср олдин инсониятни Адолат салтанатини қуришга ва ёлғиз Оллоҳга таваккул қилишга чорлашига параллел қўйилади.

Нашаванд чопарлар тўдаси бошлиғининг исми тилга олинмай, сирли равишда гуруҳ аъзолари унинг ортидан «Ўзи» деб гапирадilar. Ёзувчининг ижодий ниятига кўра, асарда Ўзи сўзи икки хил талқинда ишлатилган. Нега Яратгувчи ва нашаванд чопарлар бошлиғи айнан бир номда, яъни Ўзи дея номланган? Ёзувчи нимага ишора қиляпти? Инсониятни залолат ботқоғига ботирган, дунёнинг барча халқлари озор чеккан гиёҳвандлик балоси ҳозирги жамиятни қиёмат қойим қилиши ҳақида муаллифнинг башорати сифатида бонг уради. Ундай

кимсаларнинг Худоси — пул; сиғиниб, топингувчиси эса тўдабоши — «Ўзи».

Авдий патриархиянинг ўқув юртлари бўйича Координатори ота Димитрий билан академик черковда Худо-Замондош фикри бўйича суҳбатлашишганида Тангри маъносида қўлланилган: «Ўзи ер юзининг истаган нуқтасида, куннинг истаган вақтида истаганча одамлар билан, ҳаттоки бутун инсоният билан бир вақтда мулоқот қила оларди. Мана шунда ҳам зоҳир эди Ўзининг интиҳосизлиги» (1, 46).

Акбара билан юзма-юз бўлган, ширач йиғаман деб бир ўлимдан қолган Авдий Петр ва Лёняга ичидагиларини айтишга журъат топади:

— «Ўзингни бос, Пётр. Бошга тушганни кўз кўради. Буни олдинроқ ўйлаш керак эди. Ана, Лёнька, ҳали кичкина бола, ким уни бу ишга тортди? Ёки ўзингни олайлик. Нечага кирдинг? Йиғирмага чиқиб қолгандирсан, ҳойнаҳой? Аҳмоқсан, Ўзи-Ўзи деб бир қадам ортиқча қўёлмайсан, миқ этиб оғзингни очолмайсан. Ҳали охири нима бўлади? Ундан кўра шуни ўйла» (1, 59).

Нашаванд чопарлар бошлиғи персонажлар нуткида Ўзи дея қўлланишида ёзувчининг икки мақсади аёнлашади. Бири — унинг номини гиёҳвандлар оламида сир сақланиши бўлса, иккинчиси — улар учун Худо даражасидаги одам эканига ишора қилинади.

Авдий ҳаргиз уринмасин, на Петр, на Лёнкага гуноҳ ишларни ташлаб, Оллоҳга тавба қилиш фикрини уқтиролмади. Улар фақат Ўзининг измидан чиқишмас, унинг ҳимоясида Мўйинқум чўлларидаги наша йиғиб келар, шунинг орқасидан кун кўришарди, ҳатто бу йилги даромад қандай бўлиши-ю, қайси русумдаги машинани олиш ҳақида режалар тузишарди. Авдийнинг Худога қайтиш, ундан нопокликлар учун мағфират сўраш тўғрисидаги гаплари улар учун шунчаки чўпчак эди. Авдийнинг бу йўлга уларни қутқариш учун кирганлиги, энди қайтмаслигини қатъий таъкидлаганда, Гришан уни «навжувон Христос», дея масхаралайди.

— «Э, ҳали бизни деганмисан! — Гришаннинг афти буришиб кетди. — Кўнглингни тўқ тут, ҳайрон бўлиб ўтирмайман. Инсониятнинг халоскори ҳам эсини еб қўйиб чормих қилинган эди, бунинг нимасига ҳайрон бўламан... Баъзи ақли бошидан ошиб-тошиб кетганлар неча замонлардан бери бизни қутқармоқчи бўлиб юришади, ўзларига шуни касб қилиб олишган! Охири нима бўлди? ...Одам боласи ўша-ўша. Шу ишга сен, Каллистратов етмай турган эдинг. — Марҳабо, эй, навжувон Христос!» (1, 70)

Гришаннинг яхшиликча уларнинг жамоасини тарқ этиш ҳақидаги фикрини қатъиян рад этган Авдий Петр, Махач, Лёнька, Коля ва Гришандан иборат наша йиғувчилар билан Жалпок-Соз бекати томон поездда кетаётганида уларни яна Худога юзланишга, йиғилган нашаларни чўл узра сочиб юборишга даъват этади. Одам боласини ҳалок қилувчи гиёҳвандлик балосидан нашаванд чопарларни огоҳлантириш учун Авдий бир ўлимдан қолган эди, сайғоқ овловчиларга қарши журъати, матонати ҳалокатига сабаб бўлди. Муаллиф Исо Масих тақдирини ўз қаҳрамонида тақдорлади. Замонлар ўтса-да, инсониятнинг тубанлашуви, тириклик дунёсини қиёматга яқинлаштириш сари аёвсиз ташланаётган ёвуз қадамлар олдида Исо каби Авдий ҳам ожизу нотаваон эди.

Авдий нашаванд чопарлар тўдаси бошлиғи Гришан ва сайғоқ овлаш учун йиғилган олти кишидан иборат «Хунта» (Обер Кандалов шундай номлаган. — Т.Б.) жамоасининг йўлбошчиси Обер Кандалов билан айнан бир мавзу — гуноҳлари учун Оллоҳдан мағфират тилаш, иймон ва диёнатга чорлаш мавзусида суҳбатлашганда, ҳақоратлару

тахқирлар остида қолади. Гришан Авдийга «Сен — девонасан, жиннилингидан шу қўйларга тушиб юрибсан. ...Наша йиғиб, ман қилинган оғуни пуллаб, кун кечириб юрган биз тубан бечораларнинг кўзимизни очиб қўйгани, разолат чоҳидан халос этгани келгансан. Ҳиди уч чақирим наридан туриб одамнинг кўнглини айнитадиган, сийқаси чиқиб кетган панд-насихатларни тарқатаман дегансан, халоскор бўламан деб кўнглингга туккансан. Уларни ёмон йўлдан қайтараман, деб ўйлагансан. Бизнинг ўзгаришимиз, тавба-тазарру қилишимиз, ҳамма қандай бўлса, худди шундай бўлишимизни истагансан», дейди. Худони тарғиб этувчи ғояларини, чўллардан йиғилган нашани сотиб, даромад орттириш гуноҳи азимлигини гиёҳванд чопарларга умуман уқтириб бўлмаслигини била туриб, Гришан: «Лёнькалару лакалов Петрухаларга айтар гапингни айт, уларнинг жонларини қутқар, эй Халоскор! Мен гик этмайман, сенга заррача тўсқинлик қилмайман. Мени мисоли йўқ деб ҳисобла. Мабодо, бу авомни орқандан эргаштириб кета олсанг, уларни ўз Худойингга ишонтира олсанг, мен шу заҳоти енгилганимни бўйнимга олиб, мутлақо қорамни кўрсатмай кетаман», — дея Авдийга шарт қўяди (1, 73). Худонинг шафоати ва мағфиратига сазовор бўлиш умидида Пётр, Лёня, Коля ва Махачга одамларнинг бошини ейдиган, офат ва қирон келтирадиган оғуни поезддан сочиб юбориб, биргаликда тавба қилишга чақирганда, Авдийни «ит попнинг ўғли, поп-соп» (1, 78), дея ҳақоратлаб, дўппослаб, поезддан кимсасиз саҳрога улоқтиришади.

Авдий ёмонликдан покланайлик, истиғфор айтайлик, дегани учун беш ароқхўр — Обер-Кандалов, Мишаш, Кепа, Гамлет-Галкин ва Абориген-Узуқбой уни саҳрода суд қилишади. Оғзидан ароқ куйиш уни Худодан қайтаришда илк қадамдай, уни азобларга гирифтор қилишади. Ўз қонига ҳалқоб бўлган ва ароқ томоғига тикилган Авдийни Худодан қайтишга мажбурлашади: «Қайт Худодан! Танимайман, билмайман де! Воз кеч! ...Худодан юз ўғир! Айт! Худо йўқ, деб айт! Барча кўргулигига Авдий айбдордай Обер Кандалов ваҳшийларча ўкирарди: «Биз бу ерда давлатнинг топиригини адо этиямиз, сен, қанжиқ, планга қаришсан, областга қаришсан. Бундан чиқадики, сен, ифлос, халқ душманисан, халқ ва давлат душманисан. Сенга ўхшаган душманларга, зараркунандаларга, қўпоровчиларга ер юзида ўрин йўқ! Сталин айтган: «Ким биз билан эмас, демак, бизга қариши». Халқ душманларини тағтомири билан қуришиб ташлаймиз! Аямаймиз! ...Она заминимизни сендай ифлослардан тозалаймиз» (1, 122). Энг оғир жиноят — ахлоқсизлиги туфайли қамалиб чиққан Обер бечора Авдийни халқ ва давлат душмани сифатида айблар, ваҳоланки, уларга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган, фақат сайғоқларни аёвсиз қиришаётганига, ўта оғир гуноҳ қилишаётганига чидаб туролмаган Авдий ана шундай маломатга қолади. Мишаш уни тахтага қокиб, михлаб ташламоқчи бўлади, аммо чўлда мих ва тахта йўқлиги боис саксовулга боғлаб ташлашди.

Авдий Каллистратов ширач йиғаетганда Акбара, Тошчайнар ва уларнинг болалари билан юзма-юз бўлиб, ўтақаси ёрилган, қўли билан бошини беркитиб, чўккалаб колган Авдийнинг аянчли аҳволи Гришан ва Обер Кандалов тўдаси томонидан аёвсиз таҳқирланиш ҳолатига монанд, аммо инсонга нисбатан йиртқич бўри раҳм-шафқатли. Сайғоқ овловчи — ароқхўрлар томонидан саксовулга боғлаб кетилган, ўз қавми томонидан азобланган Авдий «Мени қутқар, бўрижон», дея она бўридан паноҳ истади: «Одам қимирламас, ҳеч қандай сас чиқармас, боши ён томонга қийшайиб тушган, оғзининг бир четидан қон сизиб оқарди. Тошчайнар одамга ташланмоқчи эди, Акбара уни нари итарди.

У одамга яқинлашиб, унинг юзига тикилиб қаради ва оҳиста увлаб юборди: ҳалок бўлган болалари ёдига тушди. Ҳаёт эса Мўйинқумда тўс-тўполон, абгор бўлди. Кимга йиғласин, кимга арз қилсин, ахир? Бу одам унга ҳеч ёрдам беролмайди. Унинг ҳаёт шами сўниб боряпти, лекин ҳали жони буткул чиқмаган эди. Одам шишиб кетган қовоқларини базўр кўтарди ва секин ув тортаётган бўрига қараб пичирлади: — Келдингми... — сўнг унинг боши шилқ этиб тушди» (1, 125). Ёзувчи Авдий микрооламини Акбара билан ёндош келтиряпти, яъни икки ожизу нотавон бир-биридан нажот кутади. Икки маротаба ўз қавми ҳалокатга итарган Авдийни Акбара икки ҳолатда Тошчайнардан ҳимоя қилади. Болаларини ҳалок қилган, Мўйинқумда қиёматни кўптирган одамзод бўлса-да, Акбара Авдийга раҳм-шафқат қилади.

Дунёни бутунлай остин-устин қилиб юборадиган, хатарли Гришан ва Обер Кандаловга ўхшаш кимсаларнинг ёруғ оламда борлиги инсониятнинг ҳалокатига сабаб бўлиши мумкинлигидан китобхон сергак тортади. «Юқориқоқдан келавер. Наполеон ҳам гапми? Мени ўз эркимга қўйиб беришса, эҳ-ҳе, нималар қилмасдим! Агар биз бирдан Ғарбга бориб қолсак, қўлочимизни қайларга ёзмас эдик, дейсан. Ўшанда сен ҳам мен билан тортишиб ўтиролмасдинг, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам менинг кўзларим билан қараган бўлардинг...» (1, 72), дея кибрланган Гришан оғу билан кўнгли яримталар, ғарибу ғураболар, мунглиғ бечораларга эрмак бериб, хаёлларини чалғитишини, одамларни орқа йўл орқали етиб бўлмас Худо сари бошлаб боришини Авдийга нописандларча сўзлайди.

Обер эса Авдийни азоблаш орқали шерикларига таҳдид солади, ҳатто Ер шарини, унга буйсунмаган жамики жонзотни шу куйга солишини таъкидлайди: «Ҳар ким билиб қўйсин! Доим ана шундай бўлади! — деб иддао қиларди у саксовулга тортилган Авдийни томоша қиларкан. — Менга қолса, бизга қўшилмаганларнинг ҳаммасини ана шундай оёғини осмондан келтирардим. Тилини осилтириб ётарди. Ким бизга қарши бўлса, ҳаммасини осиб чиқардим. Ер шарини шундай сиқиб, исканжага олардим. Ана ўшанда ҳеч ким бизга миқ этиб оғзини очмасди. Ҳамма қуллуқ қилиб турарди...» (1, 123)

Муаллиф жамият макрооламида бошқарувнинг рамзий ифодаси тахт бўлганидек, тубан ишларни касб қилган тўда бошлиқларининг саробга қурилган тахти — *яшик* бадий деталидан ўринли фойдаланган. Ўзига ўхшаш олчоқ, разил кимсаларни бирлаштирган Гришан ва Обер Кандалов яшикка ўтирган куйи Авдийни «суд қилишади». Ёзувчининг сирли ишораси орқали китобхон улар тузган муваққат ҳукуматнинг пойдевори оддий тахтадан ясалган яшик эканлигини англайди. Биргина Авдийни ўлим чоҳига итариш уларнинг куч-қудратини эмас, балки мақсадсиз, яқинлари юз ўтирган ожизу нотавон кимсаларнинг Яратган қонуниятлари олдида чиранишлари эди, холос. Бундайларга фақат Авдийнинг ўзи бас келолмаслиги, жамиятлар, давлатлар уларга қарши бирлашмоғи, шундагина қиёматни ортга суриш мумкинлиги адибнинг умумбашарий даъватидир.

Нашаванд чопарлар уни поезддан улоқтиришганда ҳам, сайғоқ овловчи ароқхўрлар жазирама чўлда саксовулда боғлаб кетишганда ҳам отаси дьякон Каллистратов болаглида ўргатган чўкиб кетган кема ҳақидаги тиловатни эслайди: «*Сен Раҳими Раҳмонсан, Ҳақсан, Ҳаллоқсан, кечир, Сени ўз арзим ила безовта қилмоқдаман. Мен ўзим учун сўрамайман, менга дунё роҳат-фароғати даркор эмас, умрим чирогини узайтирмасанг ҳам майлига. Ёлғиз одамзод болаларининг дилларини халос этмоқликни тилайман. Сен Ғаффори Оламсан, кўнгилларимизга муҳр босма, жаҳолатда қолдирма, токи яхшилик ва*

ёмонлик ёруғ оламда бирга мавжуд экан, бизни баҳонаи сабаб занжирларидан халос эт. Одамларнинг дил кўзларини очгайсан. Ўзим учун сўрамайман, тилим ожиз. Мен ҳар қандай ажр-оқибатингга ҳозирман — хоҳ жаҳаннам ўтига ташла ва хоҳ чек-чегараси йўқ Салтанатингга ол. Қисматимиз ўз қўлингда, ё Ҳаллоқ, ё Маллоҳ!» Болалар уйида тарбияланган, сўнг шу ерда мураббия бўлиб қолган, бир ярим ойгина бирга яшаган севган йигити уруш йиллари немис сувости кемаси чўктириб юборган ҳарбий кемада ҳалок бўлгач, роҳибалик удумини қабул қилган ёшгина жувоннинг одамлар қалбини ёвузликдан поклаш учун айтган истиғфори ҳамда «ўша кема кечани кеча демай, кундузни кундуз демай, то само эврилмоғида кун тунга батамом қуюлгунча, тун кунга батамом қуюлгунча ўша йўлида ҳеч тўхтамай давом этсин» (1, 104, 124), дея Яратганга таваллоси асарнинг икки ўрнида такрор келтирилган. Ёш роҳиба сингари Авдий ҳам Оллоҳдан ўзи учун эмас, балки бошқалар учун, уларнинг қалб кўзлари очилиши учун истиғфор айтишида Исо Масиҳ, роҳиба ва Авдий микрооламлари бирлашади, зеро, уларнинг мақсадлари муштарак: инсониятни «Адолат салтанати»ни барпо қилмоққа, гуноҳлари учун тавба-тазарру этмоққа ундаш.

3. Грузин халқининг жўмард йигити Гурам Жўхадзе бошиқ йигитлар ва уларни йўқотиш ҳақида топшириқ олган чекист Сандро макроолами. Авдий Пушкин музейида диний қўшиқларни тинглаганда бир пайтлар ўқиган «Олтовлон ва еттинчи» балладасини хотирлайди: «Мен ўша воқеани фавқулодда бир зум ичида, саноқли сониялар ичида ёдимга туширдим ва барча ҳаяжонлари билан бошимдан кечирдим. Тафаккур тезлиги олдида ёруғлик тезлиги ҳеч нарса, хаёл ўтмишига қараб йўл олиб, яна орқага қайтиб, вақт ҳамда макон ичида ҳаракат қила олади, унинг суръати билан ҳеч нарса тенглашолмайди...» (1, 40). «Олтовлон ва еттинчи» грузин балладасида бадийий замон совет ҳокимияти ғалаба қозониб, энг овлоқ тоғ қишлоқларидан ҳам қуролланган аксилинқилобчиларнинг қолган-қутган тўдалари сиқиб чиқарилаётган пайтлар, бадийий макон эса денгиз ва тоғ ҳисобланади. Гурам Жўхадзенинг тўдаси она ватанини инқилобчилар қўлидан халос этиш ниятида тиш-тирноғига қаршилиқ кўрсатади. *Хиёнат мотиви* Сандро ва Иуда образларини, *биродарлик мотиви* Пушкин музейида булғор ибодат қўшиқларини куйлаётган ўн нафар муғанний ва юрт озодлиги йўлида жонини тиккан олтовлон образларини параллел тасвирлаш имконини берган. Гурам Жўхадзенинг ишончига кирган соткин Сандро усталик билан қўйган биринчи тузоқ — дарёдан кечиб ўтаётган маҳалда йигитлар пистирмага дуч келишади ва етти киши омон қолади. Буларнинг бири чекист Сандро топшириққа биноан уларни йўқ қилиши керак эди. «*Охирги марта бир-биримизнинг сўзларимизни эшитяпмиз. Келинлар, бир-бирларимиз билан хайрлашайлик, она-Еримиз билан хайрлашайлик, грузиннинг нони-тузи билан хайрлашайлик, виноси билан хайрлашайлик*» даъватига биноан Туркия чегарасидаги одам ўтиб боролмайдиган хилват ўрмонда юрт билан видолашув тунда Сандро ҳаммани ўққа тутди, виждон амрига кўра ўзини ҳам ҳалок қилади. «Олтовлон ва еттинчи» балладасида Сандро ва Исо Масиҳни сотган Иуда образларининг микроолами соткинлик мотиви асосида туташади.

Романда Гурам Жўхадзе тўдаси Гришан ва Обер Кандалов тўдасига контраст қўйилган, яъни Гурам Жўхадзе тўдаси эрк ва озодлик учун жон тикса, Гришан ва Обер Кандалов тўдаси инсоният ва табиатни таназзулга етаклайди.


4. *Исо Масих ва Понтий Пилат макроолами.* Ирод саройининг Арк айвонида Рим императорининг Кичик Осиёдаги нойиби, прокуратор Понтий Пилат томонидан Исо Масихнинг суд қилиниши ва чормихга тортилиши макроолами Авдийнинг сайғоқ овловчилар томонидан саксовулга боғлаб кетилиши ёки нашаванд чопарлар томонидан поезддан улоқтирилиши натижасида Авдийда галлюцинация содир бўлиб, Исо Масих замони ва маконига инверсиялашувида параллеллик касб этган. Исо Масих ва Понтий Пилат макроолами монолог, диалог, мактуб, ички сезги ва хотиротлардан иборат. *Ретроспекция-хотирада* Исонинг болалик онларида қайикда онаси билан дарёда сайр қилишганида Оллоҳнинг инояти билан тимсоҳ ҳамласидан омон қолишгани, ҳалокатдан хабар берувчи раҳмоний-башоратли сезги орқали Исонинг ўтган замонига мурожаат қилинган. Исо ва прокурор монологларида ретардация усули орқали уларнинг ҳозир, айна суд жараёнидаги дақиқалар, ҳар икки қаҳрамон қалбидаги эврилишлар, тафовутли микроолам акс этган. *«Агар сиз бугун бу савдойини қатл этишига муҳр чексангиз, кейинчалик фақат сизни ёмонотлиқ қиладилар. ...Ўзингиз ва наслларингиз бошини маломатга қўйманг!»* (1, 84) мазмунидаги мактуб орқали Понтий Пилатнинг келажак авлодларнинг тавқи лаънатига учраши проспекция усули асосида ифодаланган.

Прокурор микрооламида иккиланиш, журъатсизлик пайдо бўлади, ҳатто Исо Масихни *«шаҳар қўчаларига чиқ, тавба қил, янглишган эканман, деб айт. Ёлгон хабарлар қилдим, ёлгон башоратлар айтдим, мен Яҳудо подшоиси эмасман, деб жар сол. Қора халқни алдама, йўлдан урма, орқандан эргашитрма, дилларига иштибоҳ солма, жинойтларга бошлама. Сўнг Шом ёки бошқа ўлкаларга чиқиб кет. Мен ҳам сенга ёрдам қилай. Вақт борида рози бўл»* (1, 85), дея уни ўлимдан асраб қолишга ҳаракат қиладди. Понтий Пилат фикрларининг ўзиникидан тамоман айро эканлигига амин бўлган пайғамбар буни кескин рад этади. Прокурорнинг *«ўз ихтиёринг билан бошингни сиртмоққа тикасанми?»* саволига *«шундай бўлиб чиқади энди, менинг бошқа йўлим йўқ»* жавобини беради. Исо Адолат салтанати ҳаммага эзгулик бахшида этиши, аммо Қайсар (хукмдор Тиверей)лар бор экан, бу орзу амалга ошмаслиги, замин у замонда инсониятни душманлик хароб қилиши ҳақида сўз юритса, Понтий Пилат *«Кимга керак буларнинг бари? Ўткин-чи гаплар эмасми булар, ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос?»* (1, 96) қабилида жавоб беради. Оллоҳнинг пайғамбарини рад қилган қалби ёпиқ кимсалар замон ва маконлар ўтиб, Авдийнинг тавба қилиш орқали Худонинг шафоати ва мағфиратига сазовор бўлиш каби фикрларини чўпчакка чиқаришади. Ёзувчи замон ва маконлари бутунлай турфа, аммо мақсадлари муштарак образларни параллел келтириш орқали ҳамма замонларда ҳам кибру ҳаво ва душманлик инсониятни йўқ қилишини таъкидлайди. Муаллиф Исо Масихнинг Понтий Пилатга ўлими олдида айтган қиёмат ҳодисаси ҳақидаги тасаввурларини фантастик замон орқали ифодалайди, чунки замон моҳиятини йўқотган, ломаконга айланган хаосда Исонинг пар сингари кезиши китобхонни сергаклантиради: *«Ўша кеча Ҳефсиман бозида тинчимни йўқотиб, совуқ шамол каби кездим, соя каби паришон эдим, гўё коинот қаватларида мендан бошқа идрок эгаси қолмагандай эди, бамисоли ер узра учардим ва на ёруғ кун ичра ва на зулматли тун ичра бирон-бир тирик инсон боласини кўрмасдим, — бари ўлган эди, барини сўнган ёнгинларнинг қоп-қора кул-кўрони қоплаган эди. Замин кета-кетгунча харобазорга айланганди — на ўрмон бор, на экинзорлар, на денгизларда кемалар*

бор, фақат олис-олис аллақайлардан жуда галати, элас-элас зингиллаган овоз келади, худди шамол хислатли ингирлагандай, худди тубсиз ер чохларида темир тингирлагандай, худди қабрлар узра қўнғироқлар жингирлагандай, мен эсам қўк тоқида қўрқинч ва ҳасратга тўлиб, ён-ёлғиз пар каби учиб юрар, юрагимни ёмон ҳавл ва хабар изтироблари ўртар, мана, охирдунё ҳам етиб келди, деб ўйлардим» (1, 95). Исо сассиз қиёмат қойим бўлган маконларни кезаркан саволларига жавоб ахтаради. Олам ва одам ҳақида мулоҳаза юритади. Одамзод қиёматга бу қадар шошишини англаёлмайди: «...Нега бундай бўлди, қайдан бу ҳалокат, қайдан бу тубсиз чоҳ, нега ўз томиримизни ўзимиз қирқдик, кўйдирдик, ҳаёлимга келган фикрдан дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди: мана, одамларни севганингнинг жазоси дедим, мана, ўзингни қурбон қилганинг учун ажир» (1, 95).

Прокурор ҳарчанд уринмасин, Исо Масихни ниятидан қайтаролмагач, тақдирга тан беради. Понтий Пилат тоғдай виқор соҳиби бўлган Исодан иккинчи қайта дунёга келиб, гуноҳкорларни сўроққа тутиши ҳақида сўраганда, у бор ҳақиқатни айтади: «*Шаҳардан Ғулқофга ўтиб боргунча яшаи муҳлати қолган мен эмас, сиз, одамлар Исо Масихо каби яшаймиз деб, келажаксиз, билгисиз эндиги наслларга айланиб, олий солиҳот ичра мен томон келажаксиз. Ўша менинг дунёга иккинчи келишим бўлади. Бошқача айтганда, мен азобларим орқали одамларда ўзимга қайтаман, одамларда одамларга қайтаман. Гап ана шу ҳақда. Мен вақт ичида минг йиллар орқада қоламан-у, лекин сизнинг келажакингизга айланаман. Олло-таолонинг ёзмиши шу*» (1, 92). Исо замони абадият замонига айланади, қазову қадар Исо Масих микроолами христиан динига сиғинувчилар руҳиятига кўчирилади. Улар ўз қилмишлари учун ҳасрат ва надомат ичида қоладилар.

5. *Авдий ва Исо Масих микроолами.* Инсониятни эзгуликка даъват этиш, Худо-Эрта ва Худо-Замондош ғоялари Авдий ва Исо



Масих микрооламининг параллелизмини ҳосил қилган. «Инсониятни инқироздан қутқариш учун Айтматов Исо Масих билан параллел равишда янги Масих Авдий Каллистратов образини яратди. Бу қисмат қаҳрамоннинг номида акс этирилган: «Авдий» — *Яҳудий пайғамбар Авдийнинг Инжилда «Худога хизмат қилиш»* деган маънони англатувчи таржимаси. Олдинги замонлардаги пайғамбар Авдий Яратганнинг хабарини одамларга етказди, ҳозирги Авдий «тирилган» Исо Масихга ўхшайди. Қалби меҳр-муҳаббат билан тўлган бу йигит диний семинариядан Ўрта Осиё даштларига келиб, Исо Масих даъватларини сўзма-сўз такрорлайди. Инқироз даврининг қутқарувчиси сифатида у одамларнинг жонини сақлаб қолиш ва уларни ҳақиқатга даъват этиш каби муқаддас вазифани бажаради» (7).

2-расм. «Қиёмат» романида макрохронотопнинг параллел ифодаси.

«Худо-Эртанинг қандайлиги — у гўзал бўладими ёки хунук, оққўнғилми ёки гаддор — бу одамларнинг ўзларига боғлиқ. Мана

шундай ўйлаш жоиз ва зарур. Худо-Яратувчи фикрловчи хилқатлардан шуни талаб қилади. Шунинг учун ер юзидаги эртанги ҳаёт ҳақида одамларнинг ўзлари қайғурсинлар. Ахир, ҳар бир одам Худо-Эртанинг ажралмас зарротидир. Инсон зоти ўзи кунининг ҳоқими ва бунёдкоридир...» (1, 92) ғоясини илгари сургани учун Исо Масих чормих қилинди. «Асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англашида ҳурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухуроти деб билиш... Худо-Замондош сиймоси ҳозирги давр талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган янги илоҳий ғояларни кўтариб чиқса, ана ўшанда диний таълимот ҳали ўз қадр-қимматини йўқотмаганлигига ишониш мумкин(1, 44)лиги ғояси учун Авдий Каллистратов семинариядан ҳайдалади. Патриархиянинг ўқув юртлари бўйича Координатори ота Димитрий аълочи семинаристлардан ҳисобланган Авдий Каллистратовни Худо-Замондош тўғрисидаги шубҳали фикрдан қайтаролмайди. У Худо ва инсон ҳақидаги жадидона фикрлари ҳамда тасаввурларини эски диний таълимотнинг қотиб қолган ақидаларига зид равишда тушунтирмоқчи бўлади, аммо «Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категориясининг вақтга кўра ривожланиши» (1, 20) ҳақидаги ғоялари кескин рад этилади.

Синедрионда суд қилиш учун элтаётганларида бозор олдида руҳоний ва оқсоқоллар гижгизлаган оломон Исо Масихни раҳмсиз калтаклашади, бошқалари башарасига тупуради. «Салламно бани Довудга! Салламно ва акрам!» — деб қичқирган, ибодатгоҳлар ва майдонларда нафасларини ичларига ютганча қимир этмай, унинг ваъзларини эшитган оломоннинг жаҳолатга миниб қутуриши Исони таажжубга солади: «Мана энди, у йиртилиб далва-далва бўлиб кетган уст-бошида паришон ва фаромуш алфозда тақдиримда яна нималар бор экан дегандай Понтий Пилат қошида мустар турибди» (1, 81).

Одамларни ҳалокатдан огоҳ этмоқчи бўлган Авдийни нашаванд чопарлар поезддан улоктиришади, арокхўрлар кимсасиз чўлда саксовулга боғлаб кетишади. Қаттиқ зарб туфайли ҳушини йўқотган, кийимлари далва-далва йиртилиб кетган, баданининг соғ ери йўк, ҳаммаёғи ғурра, шиш, моматалоқ Авдий галлюцинация туфайли Исо Масих замонига туташади. Шу ўринда Авдий хронотопи Исо Масих замони ва маконига инверсиялашади. «Ушбу ҳодисот рўй бергандан буён бир минг тўққиз юз эллик йил ўтганига қарамай, сира буни ақлига сиздиролмас ва ўзини ахтариб ўтмиш кунлар ичига кираркан, замонлар оша эврила-эврила алоҳа унинг тақдир ипи боғланган ибтидо сари ҳаёлан қайтиб борди. Дам минг йиллар қаърига кириб, дам тагин бугунги кўз ўнгида бўлиб турган воқеликка, елкалари, бошини тинимсиз савалаб ёғаетган дашт ёмғири остига қайтиб, дам ҳаёл уммонида толиб, дам барча тафсилотларни бирма-бир ақл тарозусида ўлчаб, жавоб ахтарарди. ...Тафаккурнинг ўлчовсиз узунлигида у ўтмиш ичига, ўзидан неча замонлар олдин бўлиб ўтган воқеаларга улар худди ҳозир рўй бераётгандай, кириб борди» (1, 100). Дам ҳушини йўқотиб, Исони қутқариш учун унинг замонида сарсон кезар, бир неча юз йиллар кечиб, сўнг келадиган замонларнинг таҳликаларини, тарих саҳнасида янги Худо — ўзининг муфсид ва ҳаммабоп дини билан ер юзидаги жамики одамлар онгини заҳарлаган, ҳатто ҳарбий кучлардан ҳам устун чиққан Худо-Гулиаф пайдо бўлганлигини маълум этмоққа шошар эди. Дам ҳушига келиб, модда қурилишининг азал моҳиятини топган, ернинг тортиш кучини енгиб, коинот қаватлари сари йўл олиб, бир-бирлари билан очкўзлар каби осмонларни талашган ўз замонининг

одамлари ҳақида ўй суларди. Ёзувчи фантастик замондан фойдаланиб, қаҳрамонининг руҳий эврилишлари оқибатида икки замон ва икки маконда ҳаракатлантиради. Исонни таҳқирлаган кимсаларга шитоб билан мурожаат қилади: *«Уялмайсизларми ахир шундай дегани! Ношукур, ноинсоф бандалар! Инсон руҳининг ўз-ўзи билан улуг қурашини ерга уриб бўладими, ахир! Таҳқирламанглар уни! У билан фахрланиш керак, одамлар, унинг кўзи билан ўзингизга қаранглар!»* (1, 103) Ўз замонида уни тингламаганларидек, минг йиллар ортда яшаган кимсалар унга кулоқ солмайди. Авдий поезддан улоқтирилганда ва арокхўрлар роса дўппослаб, саксовулга осиб кетишганда, яъни икки аянчли ҳолатда галюцинация рўй беради. *«Энди сени ким халос этажак, Мураббий?»* (1, 124) охириги надомати билан бу оламни тарк этади.

6. *Бўстон ва Гулимхон микроолами.* Бўстоннинг Гулимхонига, Дўнқўлиқ номли отига, илғор чўпон эканлигига Бозорбойнинг ҳасади, Эрназарнинг Ола Мўнгу музликларида мангу қолиб кетиши, Эрназардан айрилиб қолган Гулимхоннинг аянчли изтироблари уч йилдан сўнг Кенжашини йўқотганда аланга олиши, уч боласидан жудо бўлган Акбара ва Тошчайнарнинг аччиқ фарёди кучли драматизм асосида тасвирланган. Тўрт фаслдан иборат учинчи қисм микроолам хронотопи ифодасининг кульминацияси ҳисобланади. Ҳар бир қаҳрамон руҳиятида кечаётган пўртана параллел равишда бир-бирини тўлдиради. Акбаранинг айрилиқдан ўртаниши, юракни ўртаб юборадиган, одамнинг асаблари дош бермайдиган нолишлари Бўстон ва Гулимхоннинг қалб яраларини янгилаб, алам ўтида жонларини ўртарди. Акбаранинг аччиқ фарёди Гулимхон ва Бўстоннинг изтиробли ўтмишини эсга солар, улар бунга чидай олишмасди: *«Айниқса, Акбара ўртаниб ёнарди. У худди мозорга борган хотиндек нола чекарди. Шунда Гулимхон Эрназар доводда нобуд бўлганда, бошини деворга уриб йиғлаганларини эслади. Шу тобда аламидан дод деб юборай деди. Бўстонни уйғотиб унга ҳамма-ҳаммасини бир чеккадан сўйлаб беришига оз қолди, бундан ўзини базўр тўхтатди»* (1, 145).

Бўстон эса *«ўтган кунларни яна бир-бир ҳаёлидан кечирар, юрагини тубан кишилар томонидан етказилган озор ўртарди. О, бу юзсизлик! Улар ҳатто бировларнинг бахтсизликларини ҳам масҳара ва майнавозчилик, тўхмат манбаига айлантирадилар. ...Юраги адоқсиз маҳзун ўйлардан гоҳо шунчалар ҳам сиқилиб кетардики, бу кеча яна пайдо бўлиб ув солаётган бўриларнинг фарёдлари Бўстонга ўз мустар кўкрагидан отилиб чиқаётгандай тўюларди»* (1, 158). Парторг Қўчқорбоевнинг «Ер бизнинг мамлакатимизда фақат халққа, ёлғиз халқнинг ўзигагина тегишлидир, бошқа ҳеч кимга эмас. Сиз эса ўзингизга қишлоқ ва ёзлик яйловлар, қўра, қўтонлар, ем-хашак талаб қиляпсиз, биз буларни сизга хусусий мулк қилиб беролмаймиз, социализм принципларини бузишга бизнинг ҳаққимиз йўқ» қабилидаги таъналари, Ола Мўнгу муз доводига жасади музлаб ётган Эрназар ҳақидаги азобли ўйлар Бўстонга тинчлик бермасди: *«Назарида бўрилар эмас, унинг ўртаниб қуйган дили қўралар ортида тун қоронғилигида ноумид кезаётгандай, қўзғиш тўкавериби аламдан кўр бўлган дили Акбара билан бирга нола-афғон қилаётган, уввос солиб йиғлаётгандай эди. ...Мендан, ахир, нима истайсан? — тажсанг бўларди Бўстон. — Сенга ёрдам бериш қўлимдан келмади. Мен ҳаракат қилиб кўрдим, лекин ҳеч иш чиқмади, ишон менга, Акбара. Бўлди, бошқа увлама! Бас қил энди! Қачонгача бизни қийнайсан? Кет, кет, Акбара!»* (1, 158).

Бўстон ва Гулимхоннинг қалбларида дафн этилган аччиқ хотираларининг ёндошлиги Акбаранинг руҳий изтиробларини бадиий таъсирчан, қабарик тасвирлаш имконини берган. Романнинг биринчи ва иккинчи қисмларида инсон ва жамият муносабатлари акс эттирилгани учун макроолам хронотопи устувор. Учинчи қисмда эса руҳий изтироблар асосий планга чиқарилган. Акбара ва Тошчайнар, Бўстон ва Гулимхон микрооламлари айрилик, фарзандини йўқотиш мотиви асосида параллелизм ҳосил қилган. Табиатнинг ёзилмаган қонунияти — жонзотларнинг яқинлари учун ўч олишини билган Бўстон Бозорбойни ҳар қанча огоҳлантирмасин, пинагини бузмайди. Разолат ва тубанликни касб қилган Бозорбой (бўри болаларини олиб қочганда у Бўстоннинг қўтонида жон сақлаган эди) Акбара ва Тошчайнар Бўстоннинг тинчини бузишаётганидан ҳатто хурсанд бўлади, ёвузликнинг иккинчи учи ўз ҳаётига зомин бўлишини хаёлига келтирмайди:

— Тентак бўлма, Бозорбой. Мундоқ эркакларга ўхшаб гаплаш. Сенга нима фарқи бор, кимга сотишининг?

— Ўзим биламан! Менга ўргатма! Ақлим ўзимга етади. Менга қара, ҳой, бу партия мажлисларида ўзингни кўрсатиб мақтанишни биласан, андоқ қилодирмиз, мандоқ қилодирмиз деб, ҳамманинг бошини қотирасан. Э, агар хоҳласанг, мен ўша партия мажлисида бир пўстагингни қоқайки, ҳеч эсингдан чиқмайдиган бўлади, уйингни тополмай қоласан. Хоҳлайсанми?!

— Вой-бу! — чин юракдан ҳайрон бўлди Бўстон Бозорбойдан ўзини беихтиёр қўли билан тўсиб, — сен мени қўрқитгунча, мундай тушунтириб бер-чи, сени қайси ит талади?

— Мени ит талабдимми! Ажаб бўпти! Сен ҳукуматга қарши иш қилгансан. Билдингми! Сендан бошқа ақлли йўқ! Хўжайинлар ҳамма ерда бўриларни йўқотинглар, деб тайинлаб юрибди. Сен бўлсанг, бўриларга ачиниб, уларни кўпайтирмоқчисан — шундайми? (1, 148)

Бўстон ва Бозорбой диалогига конфликтни юзага келтирган ходиса бўри болаларини инига қайтариш, Акбара ва Тошчайнарни Бўстоннинг қўтони атрофидан кетказиш эди. Кўролмаслик, хусуматдан фиғони фалак Бозорбой қилмишини (Бозорбой бўри болаларини ўғирлаб, Бўстоннинг қўтонида жон сақлаган, ортидан қувиб келган Акбара ва Тошчайнар болаларини шу ерда деб ўйлашиб, кечаю кундуз қўтон атрофида изғиб, хавф солишарди) тан олмасдан Бўстонни ҳукуматга қарши иш қилишда айблаб, партия мажлисида пўстагини қоқиш таҳдидини қилади. Бозорбой биргина бўри болаларини эмас, балки Бўстоннинг кенжатоғи Кенжашни ҳам барбод қилишини англаб етмасди. Диалог орқали Бўстон ва Бозорбой образларининг мазмун-моҳияти очилган. Зеро, диалогизм М.Бахтин учун, аввало, инсонни, унинг моҳияти ва бутунлай борлигини тушуниш ва тушунтириш учун зарур фалсафий категориядир» (10, 46).

Романда микроолам хронотопи хотира, пейзаж, монолог, диалог, туш, дуо адабий-эстетик воситалари орқали ифодаланган.


Акбара болалари ва Тошчайнаридан айрилгач, улардан фақат аччиқ хотира қолган эди: «ҳар томонга аланглаб ёлғиз ўзи қолган. Унинг кўз ўнгидан Тошчайнар билан бирга ўтказган кунлари кунма-кун, ойма-ой, соат-басоат ўтар ва ҳар сафар Акбара ҳасратини аламли жонига сиздиrolмай ўрнидан туриб кетар, атрофларда шўридаҳол сангир, сўнг яна қайғули қартайган бошини панжаларига ташлаб ерга чўзилар, яна болалари эсига тушарди. Дам яқинда ўғирлаб кетишган тўрт боласини, дам Мўйинқум қирғинида ҳалок бўлганларини, дам Алдаш бўйида қамишзорда ёниб кетганларини хотирларди. Лекин

ҳаммадан ҳам кўпроқ у ўзининг Тошчайнари — алп келбат, садоқатли эркагини эсга оларди» (1, 181). Изтиробли кечинмаларни, дардларни эслаш усулидан ёзувчи маҳорат билан фойдаланган. Акбаранинг ҳувиллаб қолган инига қайта-қайта бориши, гўё у ерда болалари уни кутаётгандек бўлиши, баъзан ҳаммасидан айрилганига дош беролмай, азобли хотиралар гирдобиди қолиши ўткир драматизм асосида тасвирланган.

Туш мотиви Бўстон образи микрооламини тўлдиради: «Узоқ йиллар Бўстон хотирасига ҳеч ўчмас бўлиб ўрнашиб қолган даҳшатли туш кўриб юрди. У муз жар сари арқонда тушиб боряпти. Яхмалак деворларни қўлидаги фонар билан ёритади. Унинг яна бошқа фонари ҳам бор. Бирови қўлидан тушиб кетса, иккинчисини ишлатади. Бирдан назарида иккинчи фонарини йўқотиб қўйди. Қаерга зойиб бўлди, билмайди. Бундан юраги ёмон сиқилди. Кўрқди, хавотирланди. Бақиргиси келади. Лекин ваҳимали қоронғу музлик қаърига тушганча тушиб бораверди. Ниҳоят, чироқ ёруғида музга тошдай ёпишиб ётган Эрназарни кўрди: Эрназар (аслида ҳам шундай эди) мункайиб ўтирибди, пўстини боши тепасига кўтарилиб қолган, юзи қонга бўялган, лабларини маҳкам қимтиган, кўзлари юмуқ. «Эрназар! — деб чақирди Бўстон. — Мен келдим! Қулоқ сол, мен сенга иккинчи фонарни қолдириб кетмоқчи эдим — бу ер жуда кўрқинчли ва қоронғу экан — лекин уни йўқотиб қўйдим. Тушундингми, Эрназар, йўқотдим. Лекин барибир сенга ўзимнинг фонаримни бераман» (1, 165). Бўстоннинг тушида муз ғори қаъридаги зулматни ёритиш учун олиб келган иккита фонардан бирини йўқотиб қўйиши натижасида ўзиникини ҳам марҳум Эрназарда қолдириши ўғли Кенжашдан фожиали тарзда айирилишига сирли ишора эди.

Пода сонининг ортиши натижасида яйловлар етишмайди, аммо давлат плани йилдан йилга ўсарди. Мажлисларда бу ҳақда қанча гапирмасин, парторг Кўчқорбоев «ер совет халқи ва давлатиники, гапларингиздан қулоқ сафсаталарининг ҳиди келади, сизнинг замонингиз ўтган ва биз ҳеч кимга социализм асосларини барбод қилишига йўл қўймаймиз» (1, 153) қабилидаги гаплар билан Бўстон Ўркунчиевнинг чўпонларга қўшимча яйловлар бериш ҳақидаги фикрларини қатъиян рад этади. Чорасиз қолган Бўстон Эрназар билан маслаҳатлашиб, сурувни Ола Мўнгу муз довонидан ўтиб, Кичибел яйловига олиб боришаётганда муз ёрилиб, Эрназар мангу музликлар қўйнида қолиб кетади. Эрназарни қутқаролмаган иложсиз Бўстоннинг онг остида қаттиқ ўрнашган виждон азоби туш шаклида қайта-қайта намоён бўлади. Эрназарнинг доvon дуосини тўлиқ айтолмаслигида ҳам сирли ишора бор, яъни осмоннинг Ҳокими кўк Тангрига уларнинг илтижолари етиб бормаган эди. Ёзувчи ота-боболаримиз урф-одатлари унутилаётганидан куйинади: «Ҳозир бунақа дуолар ҳеч кимга керак эмас. Энди мактабларда буларни қолоқлик ва жаҳолат деб ўргатишади. Қаранг, ахир, коинотга одам учяпти дейишади.

— Коинотнинг бунга нима алоқаси бор? Нима, осмонга учган бўлсак, аввалги ота-боболарнинг сўзларини унутишимиз керакми?



Кўкка чиқаётганларнинг сони бармоқ билан санарли, биз ердагилар қанчадан-қанчамиз, қанчадан-қанчамиз ерда тириклик қиламиз? Ота-боболаримиз ерда яшашган, уларнинг тирикчилиги ер билан бўлган, осмонда нима бор бизга? Ким учса учаверсин. Ҳар ким ўз ишини қилсин» (1, 157). Эрназар ва Бўстон диалогидан аёнки, муқаддас урф-одатларнинг унутилиши ҳам келажак авлод учун маънавий таназзул.

3-расм. «Қиёмат» романида микрохронотопнинг параллел ифодаси.

Уч маротаба болаларидан жудо қилинган Акбара юрагидаги бўшлиқни Кенжаш тўлдиришини истайди, у нимаси биландир болаларини эсига солади ва уни ўз инига олиб кетишга қарор қилади:

— Бўри! Бўри болани олиб қочди! Тезроқ, тезроқ! Бўстон эс-хушини йўқотиб, девордан милтиқни юлқиб олди ва Гулимхоннинг орқасидан уйдан чопиб чиқди.

— Ана! Ана! Ана, Кенжаш! Ана, бўри олиб кетяпти! — деб фарёд соларди Асилгул бошини қўллари билан чангаллаб. Энди Бўстон ҳам бўрини кўрди — у бақириб йиғлаётган болани бўйнига ортганча лўкиллаб кетиб борарди.

— Тўхта! Тўхта, Акбара! Тўхта деяпман! — бор овози билан бўқирди Бўстон ва бўри ортидан қувиб кетди. Акбара қочди. Бўстон унинг изидан милтиқ кўтарганча чопар ва ғайритабиий товуш билан ўқирарди: — Тўхта, Акбара! Ўғлимга тегма! Сенга ҳеч қачон ёмонлик қилмайман! Болани қўй, тегма унга! Акбара! Қулоқ солсанг-чи, Акбара! (1, 184)

Инсон жонзотга ўқ узди, аммо ўқ ўз боласининг ўлимига сабаб бўлди, натижада ўз келажагидан айрилди. Ҳаётнинг адолат тарозуси тенглашди, аммо Бўстон ҳам, Акбара ҳам бу савдода айбсиз айбдор эдилар.

— Мана, дунё ҳам охир бўлди, — ўз-ўзига деди Бўстон ва шунда унга бир даҳшатли ҳақиқат очилди: шу дамгача бор ёруғ дунё унинг ўзида жамлашган экан, мана энди шу дунё битди. У осмон эди, у ер эди, у тоғлар эди, борлиқ, тирикликнинг буюк онаси бўри Акбара эди, Ола Мўнгу музликларида абадий қолиб кетган Эрназар эди, пушти камаридан бўлган охирги бир парча эт, ўз қўли билан отган Кенжаш эди, лаънатланган ва ўлдирилган Бозорбой эди ва то шу тобгача нима кўрган, бошидан нимаики кечирган бўлса — буларнинг бари у, унинг ўз жаҳони эди, у учун яшарди, уни деб яшарди, мана энди, гарчи булар ҳаммаси азалдан қандай эса, худди шундай яна боқий қолаверади, лекин фақат энди булар ичида у бўлмайди — у энди бутунлай ўзга одам бўлади, унинг дўнмас, қайталанмас дунёси эса энди йўқолди ва у ҳеч қачон ҳеч кимда такрорланмагай. У буюк ҳалокатига етиб келди, унинг учун дунё охир бўлди... (1, 187)

Адиб таъбири билан айтганда, инсон — табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон. Агар инсон табиатга ситам ўтказаркан, албатта, бу изтироб унинг ўзига ҳам дахлдор. Ўз яшайдиган маконини топташ натижасида хотиржамлигига путур етказди, яъни табиат қонуниятларини бузади. «Қиёмат» романида микроолам ва макроолам хронотопларининг асосий моҳияти инсон ва табиат бирлиги тасвири, жониворлар образининг худди инсонлардек характер даражасига олиб чиқилишидан иборат. Асар мазмунининг ядросида бадий замон, яъни қиёмат замони акс этган. Муаллиф роман шаклига хос улкан бадий тасвир имкониятларидан фойдаланиб, асар меҳварида инсониятни қиёмат кунига қадар етакловчи бало-офатлар сифатида гиёҳхандлик, арокхўрлик, шафқатсизлик, қотиллик, адолатсизлик, табиатга зулм

ўтказиш кабиларни бадиий матн таркибига олиб кирди. Исо Масих замонидан Авдий Каллистратов замонига қадар бир минг тўққиз юз эллик йил ўтса-да, қиёматни қойим қиладиган гуноҳи азимлар янгича тус олаётгани, булар учун келажак авлодлар товон тўлаши параллел хронотоп асосида тасвирланган.

Хулоса. Ижтимоий муаммолар, қарама-қарши кучларнинг зиддияти, ҳар қандай замон ва маконларда қабоҳатни куритмоқчи бўлганлар тақдирида «чормих қилиниш», «саксовулга осилиш» сингари аччиқ қисматнинг борлигини макроолам хронотопи; характерлар руҳиятининг барча қирраларини аниқлаш, кечинмалар орқали ҳаётнинг турли муаммоларини акс эттириш, персонажлар руҳий оламини тасвирлаш каби адабий-эстетик вазифани микроолам хронотопи бажаради.

Исо Масих ва Понтий Пилат; гиёҳванд чопарлар, нашавандлар ва Авдий; Гурам Жўҳадзе ва Сандро, Бўстон ва Гулимхон хронотоплари монологизм ва диалогизм концепцияси орқали юзага чиққан. Муаллиф «овози» персонажлар «овози»ни чекламаган, балки улар билан диалогик муносабат ўрнатган. Микроолам хронотопининг асосини ички монолог ташкил этган.

Характерлараро конфликт, қаҳрамон ва муҳит конфликт ички (психологик) конфликт пойдеворида шакллантирилган. Асарда қоришиқ ҳолда, ўзаро узвий алоқада бўлиб, бири иккинчисига ўтган, бири иккинчисини келтириб чиқарган ёки бири иккинчиси орқали ифодаланган. Бу адабий ҳодиса макроолам ва микроолам хронотопларининг параллеллигини таъминлаган.

Руҳий тасвирнинг эслаш усули Авдий ва Бўстон характерларининг мазмун-моҳияти, қалб драматизми, руҳий кечинмаларнинг ҳаққоний очилиши ҳамда хронотоп сарҳадларининг кенгайишига замин яратган.

Қаҳрамон микрооламида инсон ва жонзот руҳиятининг изтироби, дарду алами туш мотиви орқали берилган. Болалари ва Тошчайнаридан мосуво бўлган Акбаранинг тушида бахтиёр онлари, Бўстоннинг тушида Эрназарнинг ҳалокати, муз довоида мангу қолиб кетиши намоён бўлади. Биринчи тушда эришиб бўлмайдиган орзунинг ҳасратга айланиши, иккинчисида эса рўй бериши муқаррар фалокатнинг башорати таъбир қилинади.

Роман сюжет чизиқлари параллел хронотопни ҳосил қилгани боис сюжет унсурларида ҳам алоҳидалик сезилади. Бу асарнинг яхлит композициясига путур етказмаган. Романни ташкил этган олти хронотоп амебей композицияси асосида яхлитлик касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан И.Ғафуров таржимаси. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 432 б.
2. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. — М., 1979. — 415 с.
3. Болтабоев Ҳ. XX аср адабиётшунослигида диалогизм ва Михаил Бахтиннинг адабий-эстетик таълимоти// Филология масалалари. — Тошкент, — 2016. — № 4. — Б. 8–15.
4. Давронова Ш. Истиқлол даври ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур// Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, — 2019. — №4 (76). — Б. 196–198.
5. Жусупова А. Концепция личности в романе «Плаха» Ч. Айтматова// Филологические науки. Вопросы теории и практики. — Тамбов:

- Грамота, 2010. — № 3 (7). — С. 66-71. www.gramota.net/materials/2/2010/3/18.html
6. Ёўдош Қ., Ёўдош М. Бадиий таҳлил асослари. — Т.: Камалак, 2016. — 462 б.
7. Кунъ Л. «Плаха»: Трагедия природы и трагедия человека/ <http://kabar.kg/news/plakha-tragediia-prirody-i-tragediia-cheloveka-lian-kun/08/08/18>
8. Павельева А. Концепции, формы и свойства художественного времени в литературном произведении. <https://docplayer.ru/60589614-A-k-html> — С. 133–148.
9. Политов А. Историко-философский анализ концепций хронотопа А.А. Ухтомского и М.М. Бахтина: Автореф. дисс. канд. филос. наук. — Пермь, 2016. — 16 с.
10. Руднева Е. Диалог традиций в повести И.С.Шмелева “Неупиваемая Чаша”. — Москва: МАКС-Пресс, 2007. — 68 с.
11. Улугов А. Афсоналарнинг бадиий талқини// Шарқ юлдузи, 2015. — № 6. <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/afsonalarning-badiiy-talqini/?imlo=k>
12. O'rayeva D., Quvvatova D. Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug'ati. — Т.: Turon zamin ziyo, 2015. — 170 б.
13. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. — 224 б.

References

1. Aitmatov Ch., *Kiemat. Roman. Rus tilidan I.Fafurov tarzhimasi* Judgment-day. (Roman. Translated from the Russian by Ibrahim Gafurov), Tashkent: Gafur Gulam Publishing House of Literature and Art, 1989. 432 p.
2. Bakhtin M., *Estetika slovesnogo tvorchestva* (Aesthetics of verbal creativity), Moscow, 1979. 415 p.
3. Boltaboev H., *Filologiya masalalari*, Tashkent, 2016. No.4. pp. 8–15.
4. Davronova S., *Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti*, Bukhoro, 2019. No.4 (76). pp. 196–198.
5. Yusupova A., *Filologicheskie nauki. Voprosy teorii i praktiki*, Tambov: Gramota, 2010. No. 3 (7). pp. 66–71. Available at: www.gramota.net/materials/2/2010/3/18.html
6. Yuldosh K., Yuldosh M., *Badiii tahlil asoslari* (Fundamentals of literary analysis), Tashkent: Water-wheel, 2016. 462 p.
7. Kun' L., *Plakha: Tragediya prirody i tragediya cheloveka* (Block: The tragedy of nature and the tragedy of man), available at: <http://kabar.kg/news/plakha-tragediia-prirody-i-tragediia-cheloveka-lian-kun/08/08/18>
8. Paveleva A., *Kontseptsii, formy i svoistva khudozhestvennogo vremeni v literaturnom proizvedenii* (Concepts, Forms and properties of artistic period in literary works), 133–148 pp. Available at: <https://docplayer.ru/60589614-A-k-html>
9. Politov A., *Istoriko-filosofskii analiz kontseptsii khronotopa A.A. Ukhtomskogo i M.M. Bakhtina*: (Historical and philosophical analysis of the conceptual chronotope of A.A. Ustomsky and M.M. Bakhtin), Abstract. dissertation. Cand. Philosophical sciences. Perm, 2016. 16 p.
10. Rudneva E., *Dialog traditsii v povesti I.S.Shmeleva "Neupivaemaya Chasha"* (Dialogue of traditions in the story of I.S. Shmelev “The Inexhaustible Chalice”), Moscow: MAKS-Press, 2007. 68 p.
11. Ulugov A., *Shark Yulduzi*, 2015. No. 6. Available at: <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/badiy-talkini/imlo=k>

12. Uraeva D., Kuvvatova D., *Jahon adabiyoti atamalarining izohli lug'ati* (Dictionary of world literature terms), Tashkent: Turan Zamin Ziyo, 2015. 170 p.
13. Kuranov D., *Adabietshunoslikka kirish* (Introduction to literature), Tashkent: National Heritage Publication named after Abdulla Kadiri, 2004. 224 p.